

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**15** Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ  
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда  
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065*

*(2010 йил 24 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 7 январь,  
2-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 7 январь,  
2010-1-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 7 январь,  
39/4-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва  
Марказий банк Бошқарувининг 2010 йил  
7 январдаги 2, 2010-1, 39/4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ  
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда  
тўлаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ 2010 йил 1 январдан улгуржи савдо корхоналари учун ҳар бир ўтказилган савдо операциясидан тушадиган тушум суммасининг 5 фоизи миқдорида ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларни тўлаш киритилмоқда.

2. Ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларини ўтказиш тижорат банклари томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Ушбу Низом улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларига татбиқ этилмайди.

**II. Улгуржи савдо корхоналари — ягона солиқ тўлови  
тўловчиларини ҳисобга олиш**

4. Давлат солиқ хизмати органлари ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб беш кун ичида асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган тижорат банкларига ушбу Низомнинг 1-илова-сида келтирилган шаклда 2009 йил 31 декабрь ҳолати бўйича фаолият кўрса-

таётган улгуржи савдо корхоналари — ягона солиқ тўлови тўловчиларини кўрсатган ҳолда хабарномани юборади.

5. 2010 йилнинг 1 январидан кейин улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олган фаолият кўрсатаётган корхоналар — ягона солиқ тўловчилар бўйича ва янги ташкил этилган корхоналар бўйича давлат солиқ хизмати органлари мазкур корхоналарга лицензия берилганлиги тўғрисидаги ахборот лицензияловчи органдан олинган кундан бошлаб уч кун муддатда асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очилган тижорат банкларига ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда хабарнома юборади.

6. Давлат солиқ хизмати органлари ушбу Низом талаблари татбиқ этиладиган солиқ тўловчиларни ҳам ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган муддатларда ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда хабардор қилади.

7. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия амал қилиши тўхтатилганда ёки бекор қилинганда, давлат солиқ хизмати органлари лицензияловчи органдан лицензия амал қилиши тўхтатилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборотни олган кундан бошлаб бир кунлик муддатда мазкур корхоналар бўйича тижорат банкларига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда хабарнома юборади.

8. Агар давлат рўйхатидан савдо корхонаси сифатида ўтмаган, бироқ улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган ва ягона солиқ тўловини тўлаш тўғрисида хабарнома бермаган янги ташкил этилган корхоналар улар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан кейинги биринчи ҳисобот даврида умумбелгиланган солиқлар бўйича солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ҳисоб-китобларини тақдим этсалар, у ҳолда давлат солиқ хизмати органлари солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан бошлаб уч кун муддатда тижорат банкларига ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда хабарнома юборади.

9. Ҳар йили, солиқ даври учун солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддати тугагандан кейин уч кун муддатда, давлат солиқ хизмати органлари тижорат банкларига мазкур Низомнинг 4 ва 5-бандларига мувофиқ аввал тақдим қилинган рўйхатга қўшимча корхоналарнинг киритилганлиги ёки улгуржи савдо корхоналарига тааллуқли бўлмаган корхоналарни рўйхатдан чиқарилганлиги тўғрисидаги аниқлаштирилган ахборотни юборади.

### **III. Ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларини ўтказиш тартиби**

10. Тижорат банклари давлат солиқ хизмати органининг хабарномасини олган санадан бошлаб уч кун муддатда солиқ тўловчилар учун мажбурий тарзда қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидаги банк ҳисобварақларини очади ёки ёпади:

22624 — «Айрим турдаги акцизли товарларни сотадиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари», Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб

чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 30-сон, 347-модда) мувофиқ айрим турдаги акцизли товарларни сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун;

22626 — «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари», бошқа турдаги товарларни сотувчи улгуржи савдо корхоналари учун.

11. Ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган банк ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

5% — давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги хабарномада кўрсатилган 23407 — «Ягона солиқ тўлови бўйича Республика бюджетининг даромадлари» ҳисобварағига ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловлари сифатида;

95% — асосий ва иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига ўтказилади, Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) мувофиқ айрим турдаги акцизли товарларни сотишдан келиб тушган маблағлар бундан мустасно ва улгуржи савдо корхонасининг ихтиёрига биноан фойдаланилади.

12. Барча маблағлар ушбу Низом татбиқ қилинадиган корхоналарга фақат ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган банк ҳисобварақлари орқали келиб тушади.

#### **IV. Бўнак тўловларни акс эттириш тартиби**

13. Бўнак тўловларининг тўланган суммалари тақдим қилинган ҳисобкитоб бўйича ягона солиқ тўловининг тўланиши лозим бўлган суммалари ҳисобига ўтказилади.

14. Ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловлари солиқ тўловчида бюджетга тўланадиган бўнак тўловларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида акс эттирилади.

15. Агар улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олган янги ташкил этилган корхона ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлмаса, у ҳолда ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловлари суммаси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) 10-бобида назарда тутилган тартибда бошқа солиқ турлари ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни қоплаш ҳисобига ўтади ёки солиқ тўловчига қайтарилади.

#### **V. Яқуний қоидалар**

16. Ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларининг тўланган суммалари Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ўртасида ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

17. Ягона солиқ тўлови бўйича ортиқча тўланган сумма солиқ тўловчининг ёзма аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-бобида назарда тутилган тартибда қайтарилади.

18. Ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловлари суммаларининг тўлиқ тушиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Улгуржи савдо корхоналари томонидан  
ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини  
ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Тижорат банки ёки банк  
филиалининг тўлиқ номи

### ХАБАРНОМА

\_\_\_\_\_ **давлат солиқ инспекцияси**

(туман / шаҳар номи)

Сизни шу ҳақда хабардор қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги улгуржи савдо корхоналари ягона солиқ тўлови бўнак тўловларини тўлашлари шарт.

### Улгуржи савдо корхоналар — ягона солиқ тўлови тўловчилари РЎЙХАТИ

Т/р	Корхоналар номи	СТИР

Ягона солиқ тўловини тўлаш учун банк ҳисобварағини қўшимча маълум қиламиз

Хизмат кўрсатувчи банк номи

Х/р

МФО

СТИР									
------	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Давлат солиқ  
инспекцияси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

№

Жўнатиш санаси:









(кк/оо/йй)

Улгуржи савдо корхоналари томонидан  
ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини  
ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

Юридик шахсинг номи

Юридик манзили

### ХАБАРНОМА

\_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекцияси

(туман / шаҳар номи)

Сизни шу ҳақда хабардор қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан Сизга Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) талаблари татбиқ этилади.

Давлат солиқ  
инспекцияси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

№

Жўнатиш санаси:









(кк/оо/йй)

Улгуржи савдо корхоналари томонидан  
ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини  
ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

Тижорат банки ёки банк  
филиалининг тўлиқ номи

### ХАБАРНОМА

\_\_\_\_\_ давлат солиқ инспекцияси  
(туман / шаҳар номи)

Сизни шу ҳақда хабардор қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги улгуржи савдо корхоналарига Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) талаблари татбиқ этилмайди.

**Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ  
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш  
тартиби тўғрисидаги низом талаблари татбиқ  
этилмайдиган корхоналар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Корхоналар номи	СТИР

Давлат солиқ  
инспекцияси бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

№

Жўнатиш санаси:




(кк/оо/йй)